O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

НАВРЎЗ — БИЗ УЧУН БАҲОР ВА УЙҒОНИШ, ЯШАРИШ ВА ЯНГИЛАНИШ, МЕҲНАТ ВА БУНЁДКОРЛИК ФАСЛИДИР

Shu aziz Vatan — barchamizniki

ÓZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2002 YIL 22 MART
JUMA
№ 38 (26.897)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАВРЎЗ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Авваламбор, сиз азизларни, сизлар орқали бутун халқимизни бугунги эзгулик ва нафосат айёми — юртимизга кириб келган Наврўзи олам билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ҳурматли дўстлар!

Дунёда нишонланадиган ҳар бир байрамнинг ўзига хос ва ўзига мос фалсафаси, турли халқлар ва мамлакатлар ҳаётида тутадиган ўрни ва аҳамияти борлигини ҳаммамиз яхши биламиз.

Лекин ана шу гўзал ва бетакрор байрамлар орасида Наврўз айёми ўзининг кўрку таровати, маъно-мазмуни билан алоҳида ажралиб туради, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Бу қутлуғ ва хосиятли кун ҳақида узоқ гапириш, уни кўп-кўп таърифлаш мумкин.

Наврўз — биз учун, аввало, энг қадимий, асл миллий, ғоят ардоқли байрамимиздир.

Наврўз — биз учун баҳор ва уйғониш, яшариш ва янгиланиш, меҳнат ва бунёдкорлик фаслидир.

Наврўз — биз учун асрлар давомида халқимизнинг онгу тафаккурига, руҳиятига, бутун ҳаётига беқиёс таъсир ўтказиб келаётган бетакрор, ўзига хос бир оламдир.

Наврўз — биз учун ўзаро меҳр-оқибат, қадр-қиммат, хайру саховат рамзидир. Мана шундай шукуҳли дамларда ҳар қайси инсон табиатдан баҳра олиб, оламга бағрини кенг очиб, ўз қалбидаги энг эзгу туйғу ва тилакларини, орзу ва умидларини юзага чиқариш, ҳаётга, ота-онаси, дўсту биродарларига бўлган меҳру муҳаббатини изҳор этишга интилади.

Бугун мен ҳам кўпчилик қаторида сиз азизларимга, барча юртдошларимга ўзимнинг тилак-даъватларимни, қалбимдаги самимий истакларимни билдирмоқчиман.

Аввало, табиат уйғонаётган, юртимизда Наврўз руҳи, Наврўз мўъжизаси намоён бўлаётган шу ёруғ кунларга эсон-омон етказгани учун Яратганимизга шукроналар айтишимиз лозим.

Мана шундай дақиқаларда атрофдаги табиатнинг нақадар гўзал ва бетакрор, бу фусункор ҳаётнинг нақадар бебаҳо неъмат, улуғ бахт эканини ҳар қайси инсон яна ва яна бир бор ҳис этиши табиийдир.

Ўз яқинларимизнинг қадрига етиш, ёнатрофимиздаги одамлар, маҳалла-кўй, элу юрт билан баҳамжиҳат, меҳр-оқибатли бўлиб, бир-бирига қалб кўрини бағишлаб яшашнинг, содда қилиб айтганда, ҳаётнинг нақадар ғанимат эканини яна бир карра англашга даъват этмоқчиман.

Кундалик турмушда учраб турадиган гина-аламларни юракда олиб юрмаслик, кечиримли бўлиш, ҳар қандай вазиятда ҳам ёруғ кунлар умиди билан, эртанги кунга ишонч билан яшаш — Наврўзи оламнинг ўзи бизларни чорлайдиган бир аломат, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Яхшиликка интилиш, бизга ато этилган умрнинг ҳар лаҳзасини эзгулик йўлида сарфлаш, бир-биримиздан меҳр-муҳаббатимизни аямаслик — бу ҳам инсондан катта мардлик, бағрикенглик ва олижанобликни талаб қилади.

Менинг тилагим шуки, ана шундай кайфият билан яшаш, ана шундай юксак фазилатларга эга бўлиш учун барчамиз доимо ҳаракат қилишимиз даркор.

Айниқса, етим-есир, бева-бечоралар, муҳтож бўлиб яшаётган одамларга меҳрибонлик, саховат ва мурувват кўрсатиш, савоб ишни ҳар кун қилиш керак, савоб ишни ҳар ким қилиши керак, деган шиоримизни мана шу кунларда янада кўпроқ амалий ишлар билан исботлашимиз лозим.

Биз дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган янги ҳаёт, эркин ва фаровон турмуш барпо этиш йўлида кейинги ўн йил давомида қанча-қанча довонлардан ўтдик.

Бошимизга тушган не-не машаққатли синовларни енгиб, ўзимиз учун хулоса ва сабоқлар чиқариб, бизни кўролмайдиганларни доғда қолдириб, дўсту биродарларимизни қувонтириб, шу кунларга етиб келдик.

Мен мана шу хосиятли айёмда бир ҳақиқатни ҳаммамиз чуқур англаб олишимизни истардим. Яъни, инсон, оила ва жамият, авлод ва миллат тақдири, бугунги ва эртанги бахту саодати, ёруғ ва буюк келажаги барчамизнинг қўлимизда.

Ва бу олижаноб мақсадларга етиш бизнинг ҳаракатимиз, шижоатимиз, куч-қудратимиз, аҳиллигимиз ва бирдамлигимизга боғлиқ эканини ҳеч қачон унутмаслигимиз даркор.

Қадрли дўстлар!

Наврўзи оламнинг яна бир шарофати борки, у ҳам бўлса, бу байрамнинг одамларни, бутун жамиятни бирлаштирувчи кучида намоён бўлади.

Ўзингиз бир қаранг, азиз дўстлар, биродарлар, бугунги мана шу улкан даврада қайси элат, қайси миллат вакили йўқ?

Шу кунларда барча шаҳар ва қишлоқларимизда, бепоён дашту далалар ва қирадирлар бағрида, бутун юртимизда яшаётган ватандошларимиз — миллати, тили ва динидан қатъи назар, Наврўзни баҳор ва хурсандчилик байрами сифатида нишонлаши бугунги ҳаётимизнинг ёрқин тимсолига айланиб қолганининг шоҳиди бўлиб турибмиз.

Келинг, дўстлар, бугун ушбу шодиёнамизга ташриф буюриб, унда иштирок этаётган барча чет эллик меҳмонларимизни, хорижий элчихоналар ва халқаро ташкилотларнинг вакилларини бутун халқимиз номидан Наврўз айёми билан яна бир бор самимий табрик этайлик ва уларга ўз ҳурмат-эҳтиромимизни билдирайлик.

Мана шу фурсатдан фойдаланиб, сиз, азиз юртдошларимнинг байрамона очиқ чеҳрангизга боқиб, узоқ ва яқин ҳудудлардан барчангизга йўлланган самимий тилак ва қизғин саломларни, жаҳон ҳамжамиятининг Ватанимизга нисбатан билдираётган, тобора ортиб бораётган ҳурмат-эҳтироми, эътироф ва ишончини етказмоқчиман.

Ва сиз, қадрли ватандошларимга, сиз орқали бутун халқимизга яна бир бор таъзим қилмоқчиман.

Азиз дўстлар!

Мана шу мусаффо Наврўз тонггида, Алишер Навоий бобомизнинг муборак номи билан аталган мана шу гўзал боғда туриб, айтмоқчиман:

Аввало, юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин.

Йилимиз қутлуғ келиб, дарёларимиз сувга, омборларимиз ҳосилга тўлсин.

Оиласи, эл-юртининг ризқини ўйлаб, белни маҳкам боғлаб, қадрдон даласига йўл олаётган заҳматкаш деҳқонларимизнинг омадини берсин.

Ҳар бир хонадон, ҳар бир шаҳар ва қишлоғимиз, бутун Ўзбекистонимизни файзу барака тарк этмасин.

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!



БУНЁДКОР ХАЛҚҚА БАЙРАМЛАР ЯРАШАДИ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ БОҒИДА ЎТКАЗИЛГАН НАВРЎЗ БАЙРАМИ ТАНТАНАЛАРИДАН РЕПОРТАЖ

Диёримизда фасли баҳор. Табиатнинг, борлиқнинг уйғониш палласи. Офтоб нуридан баҳра олаётган она заминимиз ям-яшил майсалар, ранг-баранг гулу чечаклар билан безанган. Дов-дарахтлар ҳам гулга бурканган. Бободеҳқон яхши ният билан ерга уруғ экяпти. Ўлкамизда улуғ айём, қут-барака элчиси — Наврўз шукуҳи кезаётир. Барчанинг чеҳрасида яшариш, янгиланиш, бунёдкорлик кайфияти зоҳир.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи байрамона либосда.

Мамлакатимизда Наврўз шодиёналари ҳар гал пойтахтимизнинг ана шу сўлим масканидан бошланади. Бу ерга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри жамоатчилиги, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари, хорижий меҳмонлар ташриф буюрган.

Мажмуа ўртасида барпо этилган улкан саҳна ва унинг атрофида ҳофизлар, раққосалар, дорбозлар, чавандозлар, полвонлар, цирк артистлари, ҳунарманду усталар, чеварлар, кўйингки, барча қадимий ва замонавий касб эгалари ўз маҳоратини намойиш этишга чоғланган.

Соат 10. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кириб келади. Мамлакатимиз раҳбарини барча ўрнидан туриб, давомли қарсаклар билан кутиб олади.

Чорлов мусиқаси байрам тантаналари бошланганидан дарак беради.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилади.

Давлатимиз раҳбари юртимиз фуқароларини умрбоқий байрам — Наврўзи олам билан самимий қутлар экан, унинг тимсолида халқимизнинг ўзига хос маънавияти, ўтмиши, қадимий қадриятлари, миллий урф-одатлари, анъана ва удумлари тобора шаклланиб, ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Диёримизда бу айём қадим-қадимдан ҳамиша меҳр-оқибат, мурувват, саховат ва бунёдкорлик байрами сифатида нишонлаб келинган.

Президентимиз кўп миллатли мамлакатимиз фуқароларининг бирдамлиги, дўстлиги, иноқлиги ифодасига айланиб қолган Наврўз тантаналарининг фазилатларига алоҳида тўхталди.

Майдон узра табиатнинг уйғониши — Наврўзи оламни мадҳ этувчи майин наво таралади. Мусиқий оҳангларга жисми жонимизни орзиқтириб фасли баҳор ғамзалари, қушлар чуғур-чуғури, сувлар жилдираши уйғунлашиб кетади. Майин куй оғушида кўз ўнгимизда табиатимизнинг бетакрор фасллари — ёз, куз, қиш, баҳор манзаралари намоён бўлади, турфа гуллар юз очади, булбуллар хониш қилади.

Жарчилар элу юртни Наврўз сайлига чорлайди. Карнай-сурнай садолари остида саҳнага ширин-шакар болакайлар қуршовида нуроний Бобо ва Момо кириб келади. Эзгуликка талпинаётган кичкинтойларнинг шўх-шодон қулгилари, жарангдор куй-қўшиқлари, жозибали рақслари кишини беихтиёр ўзига ром этади.

(Давоми 2-бетда)

«ҲАВАСИМИЗ КЕЛДИ»

ДЕЙДИ НАВРЎЗ САЙЛИДА ИШТИРОК ЭТГАН ХОРИЖЛИК МЕҲМОНЛАР

Пойтахтимиздаги Амир Темур хиёбони билан Мустақиллик майдонини туташтирувчи Сайилгоҳ кўчасида ҳам Наврўз шукуҳи ўзига хос тарзда кечди. Бу ер ҳар кунгидан ҳам гавжум, тароватли.

Айниқса, варрак учираётган болаларга ҳавасинг келади. Кўз олдингдан беғуборлик дунёси ўтаверади. Ана, 4-5 бола йиғилиб, ҳар қайсиси ўзининг варрагини еру кўкка ишонмай мақтаяпти.

— Кимники узоқ учади?

— Меники, — деди бировнинг.

— Йўқ, меники, — дея варрагини мақтай кетади ўзини Наврўз, деб таништирган болакай.

— Нимага исминг Наврўз?

— Наврўз арафасида туғилганман, — деди у. — Бу байрамимизни чет элликлар ҳам яхши кўришаркан.

— Қаердан билдинг?

— Ойим айтдила, ана, қаранг, анавулар чет элдан келишган, — деди пиёлачаларни қўлларига тутганча сумалак татишаётган бир гуруҳ кишиларга ишора қилиб.

Байрам уларда қандай таассурот қолдираётган экан? Тўғриси, уларнинг сумалагимизни мақташини жуда хоҳладим... Хуллас, юртимиз, айниқса, Наврўз хусусида уларнинг айтганларини қоғозга туширдим.

Карлханс ВЕРНЕР, германиялик тадбиркор:

— Ўзбекистонда иккинчи марта бўлишим. Бу йил атайлаб байрам арафасида келдим, юртингизга. Тўғриси, Наврўз мен ўйлагандан ҳам бошқача, катта байрам экан. Ҳозир Мустақиллик майдонидаги байрам тантаналарини томоша қилиб қайтдик. Мен кўп мамлакатларда бўлганман. Лекин Наврўздек байрамни ҳеч қаерда кўрганим йўқ. Наврўз нафосат, гўзаллик ва руҳий покланиш байрами экан. Мен буни одамларингизнинг кайфиятидан англадим. Бир сўз билан айтганда, Наврўз ҳавасимни уйғотди, бу байрамга нисбатан муҳаббат пайдо бўлди менда.

— Сумалак сизга ёқдими?

— Ў, сумалакни сўраманг.... Бунақа тансиқ таомни етти ухлаб тушимда кўрмаганман, роҳатижон экан. Ҳайратимни яширолмаяпман. Таърифга сўз йўқ. Ўзбекистоннинг ҳайратли таоми. Қанча есанг ҳам егинг келади, жонингга тегмас экан.

Бу юрт тупроғи ниҳоятда унумдор экан. Буни мамлакатингизнинг айрим жойларида бўлиб билдим. Фақат бундан унумли фойдаланилса бас.

Адольф КЛЕНГЕЛЬМАЭР, австралиялик тадбиркор:

— Ўзбекистонда биринчи марта бўлишим. Лекин олган таассуротларим бир дунё. Шу юрт билан фахрлансангиз арзийди. Бу бежиз эмас, сабаблари кўп.

Наврўз тантаналарида бўлиб кайфиятим кўтарилди. Ҳамма жойда ўйин-кулги, хушчақчақлик. Ўзбеклар ниҳоятда самимий, дилкаш кишилар экан. Қайга борсанг, сумалак. Кўнглимда илиқлик пайдо бўлди. Буни яширмайман. Сумалакдан оила аъзоларимга ҳам олиб кетмоқчиман. Улар ҳам бир ҳайратланишсин бу таомдан.

Пойтахтимизнинг Мустақиллик майдонида ҳам байрам тантаналари файзли кечди. Ўша ерда ҳам юртимизда меҳмон бўлиб турган бир неча хорижликлар билан гаплашишга тўғри келди. Мана, улардан бирининг айтганлари:

— Байрамингизга ҳавасимиз келди, — дейди ўзини **Виктор Сердюк** деб таништирган украиналик киши. Менинг ва мен билан келган дўстларимнинг самимий сўзи бу. Журналист экансиз, шу айтганларимни албатта, ёзинг. Ўзбекларнинг меҳмондўстлиги ва кўнгли очиқлигига тан берамиз. Кеча бир хонадонда меҳмон бўлганимизда бизни кўк сомса билан сийлашди. Чунонам мазали ва тўйимли эканки, биз бунақасини кўрмаганмиз. Кейин яна сумалакни тайёрлаш жараёнида иштирок этдик. Бу таом бекорга ширин бўлмаскан. Кунларни тунларга улаб тайёрланаркан. Шу кеча биз ҳам мижжа қоқмадик. Шахсан ўзим бундан жуда таъсирландим. Эртага юртимизга қайтамиз. Бироқ ўзбекларга бир тилагим бор: ҳамиша шу муқаддас тупроқнинг, Наврўздек гўзал, беназир байрамнинг, оқил ва донишманд Президентининг қадрига етишсин ўзбекистонликлар!..

Виктор бу гапларни самимий, чин дилдан айтди. Бу гапларни эшитиб юрагим орзиқиб кетди. Ифтихор деган улкан бино қад ростлади кўнглимда.

■ **Илҳом КАРОМОВ**

БУНЁДКОР ХАЛҚҚА БАЙРАМЛАР ЯРАШАДИ

ЯНАДА ЖИПСЛАШАМИЗ

Ирина ШУР, Ўзбекистондаги Немис маданияти маркази раиси:

— Республика мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб, республика Немис маданияти маркази жамоалари ўзининг Наврўзга бағишлаб таёрланган бадиий чиқишлари билан қизғин иштирок этиб келмоқда. Гўзал анъанага айланган байрам шодиёналарини пойтахтлик минглаб кекса-ёш томоша қилдилар. Турли халқларнинг ижодий жамоалари сингари бизнинг ансамблар ҳар доим ўз чиқишлари билан байрам руҳига ўзгача шукуҳ бахш этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги алоқалар ривожланмоқда ва мустаҳкамланмоқда. Биз немислар учун Ўзбекистон ҳам Ватан бўлиб қолди. Қўшма корхоналарнинг ташкил қилиниши, Германия инвестициясининг кириб келиши иккала мамлакатнинг яқинлашувидан далолатдир. Маданий ҳамкорлик эса халқларимизнинг янада яқинлигини акс эттиради.

Катта қардошлар оиласи — ўзбекистонликларга бахт ва саодат ёр бўлсин!

(Давоми. Боши 1-бетда)

Айниқса, уларнинг қариялар билан қурган ўғитларга бой суҳбати барчага бирдек завқ шавқ улашади. Бу бежиз эмас, албатта. Халқимизда кексалар ҳурматини жойига қўйиш, уларнинг дуосини олиш эзгу фазилатлардан биридир. Юртбошимиз ташаббусига биноан 2002 йил мамлакатимизда Қарияларни қадрлаш йили, деб эълон қилингани замирида, шубҳасиз, ана шу ўзбекона донолик мужассам.

Шу боис бу тантаналар табиатнинг ранг-баранглиги, баҳор нашидаси, янги кун ва янги йилни олқишлаётган юртнинг нашъу намолари халқимизнинг юксак руҳияти, бунёдкорлик кайфиятини яққол намоён этади.

Бундай байрамлар учун шунга яраша сабаб, ютуқлар ҳам бўлиши керак. Бизда эса бундай тантаналарга яраша улкан ютуқлар талайгина. Истиқлол йилларида эришган муваффақиятларимизнинг барчасини санаб ўтиш учун анча вақт керак. Шу боис фақат ўтган йилги Наврўздан бу йилги байрамгача бўлган даврда амалга оширилган ишларнинг, эришилган ютуқларнинг баъзиларини эслаб ўтишнинг ўзигина мамлакатимизда улкан тантаналар учун етарли сабаблар борлигини яққол кўрсатиб беради.

Хусусан, ўтган йили халқимизнинг бебаҳо маънавий мероси — «Авесто» китобининг 2700 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланди. Қашқадарёда умумий қиймати қарийб 1 миллиард АҚШ долларига тенг, саноатимиз қудратини оширишга улкан ҳисса қўшадиган Шўртан газ-кимё мажмуи фойдаланишга топширилди. Асакадаги автомобиль заводи конвейерларидан эса «Матиз» русумли янги машина чиқа бошлади. Бир неча йирик тўқимачилик корхоналари ишга туширилди.

Фахрлансак арзийдиган бундай қувончли мисоллар саноғини яна давом эттириш мумкин. Мана шундай муваффақиятларга эришган ва эришаётган халқ улкан байрамлар, тантаналар ўтказишга минг карра ҳақлидир.

Бу йил мамлакатимизда қадимдан яшил диёр номи билан маълум ва машҳур Шаҳрисабзнинг 2700 йиллиги кенг нишонланади. Саҳнада ҳамиша навқирон ушбу шаҳарнинг тарихий қиёфаси Оқсарой сиймосида намоён бўлади. Қашқадарёлик санъаткорларининг миллий урф-одатларга, расм-русумларга бой бетакрор чиқишлари вилоятлар бадиий жамоаларининг концерт дастурларини бошлаб беради. Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлардан келган бадиий жамоалар, ҳаваскорлар бирин-кетин ўз санъатларини намойиш этадилар.

Бахшилар айтишуви, лапарлар, ҳазил-мутойиба қўшиқлар, халқ термалари, аскиячилар пайрови, лаган ўйини, дорбозлар, масхарабозлар, қўғирчоқбозлар, полвонлар санъати ва спорт мусобақалари уйғунлашган улкан театр томошаларида эса миллий қадриятларимиз, қадимий удумларимиз Наврўз билан ниҳоятда чамбарчас эканлиги таранним этилади.

Кўклам наволари мамлакатимизда истиқомат қилаётган турли миллатлар миллий маданият марказларининг байрам дастурларида янада теранроқ мазмунмоҳият касб этади. Зеро, Наврўз дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг ҳам ўзига хос шодиёнасидир.

Замонавий миллий эстрадамиз юлдузларининг чиқишлари ҳам аждодларимиз меросига садоқат, кексаларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат руҳи билан байрам шодиёналарига ўзгача файз киритди. Мазкур чиқишларда эстрада жанрида ижод қилаётган санъаткорларнинг ижро маҳорати ва сўзга масъулияти сезилар-ли ортганлиги кўзга ташланади. Буни Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йили эстрада санъатини ривожлантиришга қаратилган қарори самараси сифатида баҳолаш мумкин.

Шу ўринда санъатимиз тараққиётига беқиёс ҳисса қўшувчи яна бир омилни эслаб ўтиш ўринли. Наврўз арафасида Тошкентда консерваториянинг янги биноси қурилиши ниҳоясига етди. Президентимизнинг ташаббуси ва эътибори самараси бўлган бу санъат кошонаси мамлакатимизда миллий ва жаҳон мумтоз мусиқаси ривожи учун, иқтидорли ёшлар санъатнинг бу нафис турини чуқур ўзлаштириши учун барча шароит яратилаётганлигидан яна бир далолатдир.

Наврўз байрамида халқ ҳунармандлари кўргазмасини ташкил этиш яхши анъанага айланган. Бу гал ҳам Миллий боғнинг каттагина қисми ҳунармандлик маҳсулоти ранг-баранг намуналари билан зийнатланган. Улар бунёдкор, меҳнатсевар халқимизнинг нафис диди, сержило касб-кори, бой маданий-маънавий мероси ва юксак санъати ифодаси.

Байрам томошаларидан кейин Президент Ислом Каримов ана шу кўргазмани кўздан кечирди.

— Наврўз бошқа байрамлардан тубдан ажралиб туради, — деди давлатимиз раҳбари шу ерда журналистларга берган интервьюсида. — У жуда қадимий ва ҳақиқий миллий байрамимиздир. Халқимиз бундан минг йиллар муқаддам ҳам Наврўзни нишонлагани тўғрисида «Авесто» китобида маълумотлар берилган. Мен Наврўзни умид, ишонч ва хурсандчилик тимсоли, деб биламан.

Шу дамда Навоий ҳазратларининг «Ҳар тунинг қадр ўлубон, ҳар кунинг ўлсин Наврўз» деган сўзлари ёдимга тушади, — деди Ислом Каримов. — Ҳақиқатан ҳам, бугунги байрам кунларида кишиларнинг, айниқса, болаларнинг юзидаги кўтаринки руҳ ва кайфиятни кўриб, барча фуқароларимизнинг ҳар бир куни шундай шодиёналарга бой бўлишини Яратгандан яна бир бор сўрайман. Бизнинг бугунги кунимиз кечагисидан ёруғроқ эканлигини ҳамма кўриб турибди. Мен ишонаманки, эртанги кунимиз бугунгисидан кўра минг чандон нурафшон ва фаровон бўлади. Шундай байрамларни юқори руҳ ва кўтаринки кайфиятда ўтказадиган халқ ҳеч қачон, ҳеч кимдан кам бўлмайди.

Давлатимиз раҳбари 2002 йил мамлакатимизда барча соҳаларда улкан ўзгаришлар йили бўлишини, бунинг учун етарли асослар борлигини алоҳида таъкидлади.

Пойтахтимизда бошланган байрам тантаналари нафақат юртимиз шаҳар ва қишлоқларида, балки хорижий мамлакатларда ҳам давом этади. Бундай дейишимизга сабаб бор, албатта. Истиқлолга эришганимиздан буён дунёнинг ўнлаб давлатларида Ўзбекистоннинг элчихоналари, ваколатхоналари фаолият кўрсатиб келяпти. Табиийки, ўша жойларда ҳам Наврўз тантана қилинади. Байрамга ташриф буюрган юзлаб, минглаб хорижлик меҳмонлар Наврўз таомларидан баҳраманд бўлади, халқимизга хос миллий урф-одатлар билан танишади. Бу каби тадбирлар юртимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори, нуфузи ортишига муҳим омил бўлади. Қолаверса, Тошкентдаги Наврўз байрами кўплаб хорижий мамлакатлар телеканалларида олиб кўрсатилди. Шу баҳонада олам аҳли бунёдкор халққа мана шундай улкан тантаналар ярашишига яна бир бор гувоҳ бўлди.

Наврўз шодиёналари, айтиш мумкинки, халқимизнинг истиқлол йилларида эришган улкан ютуқлари, юрт тинчлиги, мамлакат тараққиёти, эл фаровонлиги йўлида амалга ошираётган эзгу ишларининг ўзига хос бадиий-мусиқий намойиши бўлди.

Миллий боғдаги байрам тантаналари мушакбозликка уланиб кетди.

■ **Анвар КАРИМОВ, Ўктам ДЎСТЁР, ЎзА мухбирлари**

ИККИ КАРРА ҚУВОНЧЛИ КУН

Вячеслав КЕЛЕПУРИС, Тошкент шаҳар Грек маданияти жамияти раисининг ўринбосари:

— Бизнинг «Бузуки» вокал-чолғу гуруҳимиз ҳамда рақс дастамиз республика байналминал маданият маркази томонидан ташкиллаштирилаётган барча байрам концертларида фаол иштирок этиб келяпти.

Грек маданияти жамияти учун бугунги байрам икки карра қувончлидир: 24 мартда Грециядa Мустақиллик куни нишонланади. Наврўз ва мустақиллик — бу халқларимиз ўртасидаги яқинликдан ташқари, байрамларимиз ҳам ёнма-ён эканлигининг рамзий ифодаси эмасми?!

Шодонлик ва завқ билан қалбимдаги энг эзгу тилакларни билдирмоқчиман: Наврўзингиз қутлуғ бўлсин! Ҳар доим ҳар бирингизга баҳорий кайфият ёр бўлишини тилайман!

ТУЙҒУЛАР ЖУНБУШГА КЕЛДИ

Тунда ёғиб ўтган майин ёмғирдан сўнг, очилиб кетган ҳаво эрта тонгдан бошлаб Наврўз айёмига ошиққан одамлар кайфиятини кўтариб юборди. Табиатнинг байрам туҳфаси майдондаги майсалар, қадди тик арчаларни янада яшнатиб юборган. Олам чароғон. Наврўз тонггида майин шабада эсиб турибди. Бугун баҳорнинг энг оромбахш куни. Майдонни тутган болалар кулгуси шодлигингизга-шодлик қўшади. Наврўз бутун оламни, одамларни уйғотиш байрамидир.

Биз байрамда иштирок этаётган юртдошларимиз таассуротлари билан қизиқдик:

Темур Худойбердиев, Тошкент давлат иқтисодиёт университети гимназияси 8-синф ўқувчиси:

— Биз бахтлимиз. Юртимиз тинч. Илм олишимиз учун барча шароитлар яратилган. Мен Наврўз байрамини жуда яхши кўраман. Мустақиллик майдонида эстрада артистларининг чиқишлари менда катта таассурот қолдирди. Орзуим келажакда етук иқтисодчи бўлиш. Юртимга чин юрагимдан хизмат қилиш.

Тоҳир Қаюмов, Тошкент шаҳридаги 12-поликлиниканинг олий тоифали шифокори:

— Байрамларнинг, хурсандчилик кунларининг инсон организмига таъсири жуда катта. Кайфиятинг кўтарилади. Сени қийнаётган бирор дард бўлса унутилади. Фақат яхши гап айтгинг, яхшилик қилгинг келади. Балким, Наврўз бу туйғуларни бизга олиб келгандир. Беморлар бўлмасин. Баҳор аслида энг моҳир табиб, у инсоннинг минг бир дардига даво топа олади. Уйғонган табиат, гуллар, дарахтлар инсон вужудидаги ғуборларни йироқларга ҳайдайди.

Наргиза Бобомуродова, Жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети I курс талабаси:

— Мен пойтахтда ўтказилаётган Наврўз байрамига биринчи марта гувоҳ бўлаяпман. Миллий рақс ижро этаётган дилбар қизларимизга қараб ҳавасим келди. Таассуротларимни яшираолмаяпман. Орзуим журналистлик касбини яхши эгаллаб мамлакатимизда бирор-бир газетанинг хориждаги мухбири бўлиш. Ўшанда хорижда Наврўзнинг қандай ўтказилиши ҳақида юртдошларимни хабардор этаман.

Ориф Хожи, Олий адабиёт курси тингловчиси, шоир:

— Шеър ёзадиган кунлар бошланди. Табиат эса ўз асарини аллақачон зангор рангда битиб, бизга тақдим этди. Мен Ватан мадҳига, Наврўз таърифига гўзалроқ бир сўз, ташбеҳ излаяпман.

Шамсиддин Раззоқов, Шарқшунослик институти қошидаги лицейнинг инглиз тили муаллими:

— Майдонда юрган хорижликлар суҳбатидан шуни англадимки, Ўзбекистон ҳайратлар мамлакати. Улар фольклор дасталарининг чиқишларига қизиқиш билан қарамоқдалар. Миллий кийимларимиз, қадриятларимиз чет эллик меҳмонларни ҳайратга солмоқда. Фурсатдан фойдаланиб, бутун ҳаётини маорифга бахшида этган отам Анваржон Раззоқов ва аяжонимни бугунги байрам билан табриклайман.

Сайид Карим, меҳнат фахрийси:

— Ҳозирги ёшларга ҳавасим келади. Қаранг, майдон тўла болалар, Наврўз уларга шодлик, қувноқлик олиб келгани рост бўлсин. Биз эса уларни дуо қиламиз. Юртимиз, Юртбошимиз тинч, омон бўлсинлар.

Таассуротлар, қувончлар, байрамлар бирбирига эш бўлаверсин. Наврўз юртга фақат яхшилик олиб келсин. Қозонларда қайнаётган сумалак, гул юзида ўйнаётган капалак, сочи сунбул ойдан тушган ул малак юртимизга эзгулик олиб келсин. Шу бизнинг тилак.

■ **Фарруҳ ҲАМИДУЛЛО**

КЎКЛАМ ТАРОНАСИ

Юртим боғларида сайр этар хушҳол,
Дилларда сайр этар сайёр навбаҳор.
Туйғулар исини фош этар шамол,
Сўзлари рангларда ошкор — навбаҳор.
Боғлар қиш қўйнида сукут этган чоғ,
Меҳнат қилмайди, деб ўйлама, бу боғ,
Янги ҳаёт учун куч йиғар, туфроғ,
Кейин тасбиҳ бошлар ифор — навбаҳор.
Эй, дўст, гўзаликка ўч бўлсанг азал,
Ҳикмат диёридин тингла бир масал:
Баҳор ҳам, хазон ҳам Ватанда гўзал!
Тўлсин хуш рангларга диёр, навбаҳор!
Ўлик ер кўкариб, топганда ҳаёт,
Қайта тирилишин ўйлар одамзот,
Кундузни кечага киритгувчи Зот
Қудрати ҳар нафас ошкор, навбаҳор.
Гул фасли, ишқ фасли, суҳбат чоғидир,
Тирилиш фаслидир, ҳайрат чоғидир,
Ўзбекистон учун ғайрат чоғидир,
Кўнгилларда сўнмас шарор — навбаҳор!

■ Мирзо КЕНЖАБЕК

ОКЕАН ОРТИДА

Наврўз бутун дунёда нишонланмоқда, десак муболаға эмас. Ўзбекистоннинг чет элдаги элчихона ва ваколатхоналари ходимлари, дипломатик корпус вакиллари, таҳсил олаётган талабалар бу кунни ўзгача интиқлик билан кутишади ва байрам қилишади. Хўш, океан ортида таҳсил олаётган талабаларимиз Наврўзни қандай нишонлашаётган эканлар?

«Умид» жамғармаси йўлланмаси билан Америка Қўшма Штатларининг машҳур Горвард университетида таҳсил олаётган юртдошимиз Анвар Абдуллаев билан сим орқали боғландик.

— Ассалому алайкум Анвар, аввало сизни Наврўз айёми билан табриклайман. Океан ортига ҳам баҳор етиб боргандир?

— Раҳмат табрик учун. Биз жойлашган манзил Американинг шимоли, ҳали бу ерга баҳор келди, деб бўлмайди, кунлар совуқроқ. Юртимизда ҳаммаёқ ям-яшил бўлиб, дарахтлар гуллагандир-а?

— Ҳозир бизда ҳамма Наврўзни байрам қилаяпти, барча кўчаларга, сайилларга чиқишган.

— Имтиҳонлар кетаётгани учун ўртоқларимиз билан биргаликда дам олиш куни, яъни 23 мартда Наврўзни нишонлашни режалаштирдик. Шу куни ўзбекча палов тайёрлаб чет эллик дўстларимизга Наврўз ҳақида, байрам таоми сумалак ҳақида, юртимиз, гўзал урф-одатларимиз тўғрисида сўзлаб бермоқчимиз. Бугун эса имтиҳонимиз бор, тайёргарлик кўриш керак.

— Ўқишлар қийин эмасми?

— Уялтириб қўймаймиз, азалдан илм ва маърифат бешиги бўлган Ўзбекистонданмиз-ку.

— Суҳбатимизни ота-онангиз, қариндошлар, барча ватандошларингиз ўқийди, уларга қандай тилакларингиз бор?

— Ҳаммани Наврўз билан табриклайман. Янги кун, янги йил бошида туриб барча орзу-умидлари амалга ошишини тилайман. Юртимиз ҳамма соҳаларда ютуқларга эришиб, осмонимиз ҳамиша мусаффо, юртдошларимиз соғуомон бўлишсин!

■ **Суҳбатдош: Акбар ЖОНУЗОҚОВ**

ЁШЛАР УЧУН МАЖМУА

Наманганда чинор кўп эди. Чинорларки, одамнинг қулочи етмасди. Тарихий манбаларга қараганда, олди чинорлар XIX асрнинг 80-90 йилларида экилган.

Наврўз арафасида чинорларнинг қуриган шохлари каллакланди. Шаҳардан биқиқлик тарқаб, ўрнига замонавий манзарали кўчатлар ўтқазилмоқда.

Наврўз баҳона вилоят ҳокимлиги яна бир хайрли иш бошлади. 1887 йилда шаҳарнинг қоқ марказида қурилган, аҳоли саломатлигига хавф солиб келган 3-4-пахта тозалаш заводи Оқтошга кўчирилди.

13 гектар ерни ишғол қилган завод ўрнида ёшлар учун мажмуа қурилиши бошланди. Мажмуа таркибида 600 ўринли амфитеатр, аквопарк, ёпиқ-очиқ спорт майдонлари, кафе ва гулзорлар, шаршара ва фавворалар бўлади. Қурилишга вилоят ҳокимидан бошлаб барча фаоллар, тадбиркор ва ишбилармонлар кўмак берадилар. Мажмуа қурилишига тамал тоши қўйиш маросимига йиғилганлар насиб бўлса Мустақиллик байрамига мажмуа ишга тушади, деган қарорга келишди.

■ **Маҳмуджон ПАРПИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

РУҲИЯТ КЎТАРИЛДИ

Барча жойларда бўлганидек, пойтахт вилоятида ҳам Наврўзи олам кўтаринки руҳда ўтмоқда. Қибрай туманида ушбу байрам ўзгача кайфиятда нишонланди. Айниқса, «Лимончилик», «Маданият», «Бурота» ҳамда «Байтқўрғон» ширкат хўжаликларидаги шодиёналар йиғилганларнинг ҳайратига ҳайрат қўшди. Қизиқчилар ва санъаткорлар тадбирга алоҳида кайфият бахш этишди. Тадбир давомида тумандаги қаровчисини йўқотган, кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олинди. Йиғилган меҳмонларга эса Наврўз таомлари бўлмиш сумалак ва ҳалим тортилди.

Қибрай тумани ҳокими С.Тошхўжаев йиғилганларни ушбу байрам билан қутлади ва эзгу тилаклар изҳор этди.

■ **Соҳибжон САЛИМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ШАҲРИСАБЗНИНГ 2700 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ҚАНОТЛАРИНГ ҚАЙРИЛМАСИН, ОҚҚУШИМ

ЎТМИШДА МАҲОБАТИ, САЛОБАТИ БИЛАН ЕТТИ ИҚЛИМНИ ҲАЙРАТГА СОЛГАН КЎҲНА КЕШ БУГУН ЎЗ ШУҲРАТИНИ ҚАЙТА ТИКЛАМОҚДА

ҲАЙРАТНИНГ КЎРАР КЎЗЛАРИ

Кўчада машина ниҳоятда кўп. Йўл четларига ҳам қатор тизилган. «Чорсу» обидасига етиб келганимизда, машинамиз гоҳ тўхтаб, гоҳ секин силжирди. Ҳайдовчи йигитнинг тоқати тоқ бўлди:

— Шаҳрисабзнинг марказидан ўтаётганда ҳамиша чўчийман. Одамлар бозорга қараб кўчани бемалол кесиб ўтишаверади. Шу дейман, ота-боболаримиз биноларни дуч келган жойга қуриб ташлайверишган экан-да.

— Ота-боболаримиз кўп доно бўлишган, — эътироз билдираман. — Қадимий бир иморатни бузган усталар лол қолишганди. Беқиёс безаклар ўйилган, нафис ранглар билан жилоланган биринчи болорга битта, иккинчисига иккита, хуллас, тўққизинчи болорга тўққизта теша урилган экан. Бундай асл иморатни қурган қадимги усталар бир кун келиб бузилса, болор ва вассаларни ўз ўрнига адашмай ишлатишсин дейишган-да.

— Қаранг-а, — дейди у ҳайратга тушиб. — Барибир, бозор олди торайиб, қатновга халақит бераяпти.

Тортишмайман. Фақат бозорга келганимни унутиб, шаҳар кўчаларидан пиёда юриб кетаман. Қаршимдан «Дорус-саодат» ва «Дорут-тиловат» ёдгорликлар мажмуи чиқади. Соҳибқироннинг икки метр ер остидаги бўм-бўш сағанаси, қалбининг мажруҳ парчаси — бевақт сўнган фарзанди Жаҳонгир мақбараси, Гумбази Сайидон, пири-муршид Шамсиддин Кулол мақбараси, отасининг қабри шу жойда. Абадий саодатга эришганлар маскани... Дарвоқе, соҳибқирон қурилишини бошлатган Кўкгумбаз жоме-масжидини тиклаш набираси Мирзо Улуғбек ҳазратларига насиб этган. Унинг тақдири ҳам аянчли кечган. Йигирманчи йилларнинг охирларида масжиддан тутқунлар фиғони эшитилиб турган — у қамоқхонага айлантирилган эди. Кейинчалик қайсидир савдо ташкилоти омбори бўлган. Нилий осмонга ўхшаш гумбаздаги ҳавозалари қаққайиб турган бино узоқ йиллар таъмирланмади.

Нега бундай аччиқ қисматга дуч келди бу шаҳар? Савол ортиқча. Чунки, шўро мафкурачилари бу мўъжаз шаҳар кимнинг номи билан боғлиқ эканлигини яхши билишар, ҳатто асрий обидалар бағрида лол қотган сукунат тилидан ҳам чўчишарди. Бироқ қатағонлар шаҳрисабзликлар ғурурини синдира олмаган. Имкон даражасида нодир биноларни сақланди. Миллий меъморчилик руҳи дам унда, дам бунда ярқ этиб кўриниб қоларди. Саксонинчи йилларнинг бошларида ёдгорликларни таъмирлаш идорасида хумдонда рангли кошин пишириш йўлга қўйилди. Миллий меъморий унсурлар акс этган «Савдо растаси», «Минг хил майда моллар» магазини қурилди. Уйғунлик бузилсада, замонавий «Алоқа уйи» пештоқига арк ва гумбазлар ўрнатилди.

Шаҳарларнинг ўз толе юлдузи бор. Қадим Кешнинг ҳам юлдузи истиқлол туфайли порлади. Сукунат парчаланди. Ярим хароба обидалар бағрига яширинган асрлар синоати юзага чиқди. Шаҳарда янги руҳ ва жозиба пайдо бўлди. Ҳокимлик бошқаруви жорий этилганда, илгари Ҳисорак қурилиш трести бошқарувчиси бўлган Азим Зайниддинов Шаҳрисабз шаҳар ҳокими этиб тайинланганди. Шаҳар 1997 йил ноябрда туман билан бирлашди. Ўнлаб кўчма ташкилотларга эга Ҳисорак қурилиш трестига ҳозир яна унинг ўзи раҳбарлик қилаяпти. Камтар, жўшқин. унинг раҳбарлигида 60 километрдан ошиқ ички ариқлар қазилиб, шаҳарда сел хавфи бартараф этилди. Тўқсон олтинчи йилда юк машиналари учун 12 километрлик айланма йўл бунёд этилди.

— Ота-боболарим шу шаҳарда яшаб ўтишган, — дейди Азим Зайниддинов. — Бир фуқаро сифатида соҳибқирон бобомизнинг 660 йиллик тўйи муносабати билан амалга оширилган ишлар билан фахрланаман. Яна шунинг учун фахрланаманки, ушбу бунёдкорликларнинг бошида Юртбошимиз турдилар. Агарда Амир Темур бобомиз ўзи туғилиб ўсган шаҳарни обод қилишга ҳамиша интилиб келган бўлса, шаҳри Кеш мамлакатимиз раҳбари учун ҳам азиз ва мукаррамдир. Чунки бунёдкорликларнинг Бош меъмори ҳам ўзлари эдилар. Ўзлари келиб, ҳар бир ишни кўздан кечирдилар, қимматли маслаҳатлар бердилар. Натижада Оқсарой қаршисида сўлим хиёбон вужудга келди. Ҳайкал ҳам ўз ўрнига шунчалик монандки, узоқдан қорли тоғлар кўриниб турибди, улуғ зот ҳозиргина ўз саройидан чиқиб келаётгандай тасаввур уйғотади. Мен қурувчиман, шунинг учун буларнинг барчаси улкан тафаккур меваси эканлигини қалбдан ҳис қиламан.

ЮЗМА-ЮЗ

Бир вақтлар путурдан кетган «Чубин» мадрасаси янги ҳаётини яшаяпти. Таъмирланган, ҳовлиси ҳам обод. Шу жойда моддий маданият тарихи музейи жойлашган. Мен музейнинг ноёб буюмларидан бири мўъжаз сопол ҳайкалчани кўрганман. Сочлари арфачилторга ўхшатиб таралган аёлнинг гўзал ҳайкалчаси музей ходимларининг айтишларича, бу топилманинг ёши 2,5 минг йилдан ошаркан. Бошқа сопол буюмлар яна 200 ёшни қўшиб беради.

— Ўзим археологман, — дейди музей ходими Аҳмад Тошев. — Тарихий ҳақиқатни тиклаш осон кечмаган. Дастлаб, саксонинчи йиллар бошида қазиш бошланган. Кенг кўламли ишлар 1997 йилларга тўғри келади. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Археология институти, Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг археология кафедраси тадқиқотчилари меҳнати билан ҳозирги Китоб тумани ҳудудидаги Узунқир, Сангиртепа, Подаётқтепа ёдгорликлари очилди. Шу асосда дастлабки шаҳарнинг ўрни аниқланди. VIII асрдан бошлаб шаҳри Кеш ҳозирги ўрнига томон силжиган ва темурийлар даврида ўнлаб нодир бинолар қурилган. Дания, Франция, Германия, Италия, АҚШ каби 17 давлатдан ташриф буюрган олимлар иштирокидаги анжуманда шаҳарнинг ёши 2700 йилга етиши исботланди. Бу илмий фаразнинг аниқ таҳлили юртимиз олимлари томонидан баён этиб берилди.

— Аҳмаджон, мен ҳайдовчи йигитдан «боболаримиз иморатларни ўз ўрнида қурмаган», деган фикрни эшитдим, — сўрайман ундан. — Мана, сиз мутахассис сифатида бунга нима дейсиз? Хусусан, бугунги марказий деҳқон бозори қадимий ўрнидами?

— Мен қазишмада иштирок этганман, машҳур олимларнинг мулоҳазаларини эшитганман, — деб жавоб беради Аҳмад Тошев. — Ўтмиш меъморлари ўз ишларини яхши билишган. Масалан, «Коба» хонақоси билан XV аср ёдгорлиги — ер остидаги ҳаммом ўртасида қарийб 40 метр масофа бор. Ҳозирги марказий «Ипак йўли» кўчаси уларнинг ўртасидан ўтган. Гап шундаки, илгари бозорга чор томондан Очиғи, ҳамма бозорга интилади. Тўрт-беш тумандан эмас, бошқа вилоятлардан ҳам харидорлар келади.

— Машина ва одамларнинг гавжумлигидан юк олиб киришга ҳам қийналамиз, — дейди «Шаҳрисабзбозор» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти раиси Неъмат Йўлдошев. — Жами майдон 1,6 гектар. Янги расталарни қуришга 18 миллион 633 минг сўм сарфланган. Транспорт воситаси келолмаса, бозор обод бўлмайди.

— Шаҳарда яна тўрт-бешта бозор мавжуд экан. «Сиртлон» фирмаси хусусий бозорча қуриб, тижоратчиларни таклиф қилибди. Эски автошоҳбекат атрофи ҳам бозор.

— Кўчма тижорат бозоримиз ҳозир «Ҳисор» ўйингоҳи қаршисидаги майдонда фаолият кўрсатаяпти, — дейди Неъмат Йўлдошев. — Ёғин-сочин кунларда шароит йўқ. 1994 йилда «Ўзбекистон» хўжалигига келинган. «Чорсу» биноси бозорнинг ташқариси бўлган. Бозор ҳозир қадимий ўрнида. Фақат атрофини аҳоли уйлари ўраб олган.

Бу фикрни эшитгач, яна бош кўча бўйлаб қайтаман. Кўчанинг ўнг ва чап бетида қатор савдо дўконлари, ошхоналар, ресторан, дорихона қурилган. Шоди Шойимов номли кинотеатр ёнидаги машиналарни вақтинча сақлаш майдончаси эҳтиёжни қондиролмайди. Шунинг учун анча машина бозор дарвозаси олдидаги кичкина «супа»га кўчган. Ундан сал ўтгач, маиший хизмат уйи ва «Универмаг» олдида ҳунармандлар ва тижорат бозори. қарашли ерда янги деҳқон ва тижорат бозори қуриш мўлжалланди-ю, амалга ошмай қолди.

Мен туман ҳокимлигида бўлиб аниқладим, шаҳарнинг бош лойиҳаси тузилганига 10 йил тўлибди. Ҳозир шаҳар марказида транспорт қатновини бир ёқлама йўлга қўйиш, бозорнинг атрофини кенгайтириш, машиналар вақтинча сайланадиган янги майдонча қуриш ва бошқа тадбирлар режаси тузилаётган экан.

Тўғри, шаҳарнинг қадимий ва бугунги кўринишини сақлаб қолишга ҳаракат бор. Шаҳарда ҳозир 95 минг аҳоли истиқомат қилаётган 31 маҳалла мавжуд. Ўнлаб ўрта ва ҳунар мактаблари фаолият кўрсатаяпти. Жами 20 та саноат корхонаси ишлаб турибди. «Мевалар камалаги» Ўзбекистон — Британия қўшма корхонаси маҳсулотлари хорижда ҳам машҳур. Пиллани қайта ишлайдиган «Кумуш» Ўзбекистон — Британия, ун чиқараётган «Шаҳри Кеш» ўзбекистон — Туркия қўшма корхоналарига асос солинди. Йилига 4800 тонна ип ва калавани экспортга чиқарадиган «Тўқимачи-Оқсарой ЛТД» Ўзбекистон — Туркия — Япония қўшма корхонаси жадал бунёд этилмоқда.

Шаҳарларнинг ҳам юлдузли онлари бўлади. Шаҳрисабзни ЮНЕСКО жаҳондаги энг мўътабар қадамжолар рўйхатига киритиб, 2700 йиллигини нишонлаш ҳақида қарор қабул қилганида шаҳарнинг юлдузи порлади.

ОҚ, ОППОҚ ҚУШИҚ

Ўтмиш шавкати, бугунги жозибаси билан яшаётган, ўзининг қутлуғ тўйи тараддудига киришган шаҳар кўчаларини кезаман. Баъзи қурилишлар мўъжизага ўхшайди, айримларида нимадир етишмаётгандай бўлаверади. Юртбошимизнинг сўзлари хаёлимни банд қилади: «қураётган уйларимиз аввало замонавий, мустаҳкам, ҳар томонлама кўркам, бир эмас, бир неча авлодга хизмат қиладиган бўлиши керак».

Улуғ зотга ҳайкал ўрнатилган сўлим хиёбонга келганимда, юрагим фахр туяди. Фахр сўзга айланади. Бешигида улуғ зотлар улғайган, тараққиёт бешигини ҳам улуғ инсонлар тебратган шаҳар бу. Тарихнинг энг мушкулкушод даврлари, ҳатто, қизил империя зуғуми остида ҳам яшил шаҳар номини — яшил туғини ўзгартирмаган шаҳар бу.

Вилоятдаги 200 га яқин нодир ёдгорликнинг энг маҳобатлиларидан 19 таси шу шаҳарда. Тарихчи олим Шарафиддин Яздий: «Кунгирасининг баландлиги чексиздир. У само юлдузлари билан баҳслаша олади», дея таърифлаган. Оқсарой улар орасида алоҳида ажралиб туради. Қурилиши 24 йил давом этган. Соҳибқирон унда ўз орзусини қурганми? Нега оқ бино деб аталган?

Бинобарин, Самарқанддаги Кўксарой — мамлакат осмони, Шаҳрисабздаги Оқсарой — соҳибқирон армони эмасми? Улуғ жаҳонгир юртининг мангу оқликка — нурга чўмишини орзу қилганмикан? Албатта, тарих ҳодисаларини бундай жўн таърифлаш эриш туюлади. Оқсув ва Оқсарой... Ҳар иккаласида битта сифат. Саксонинчи йилларнинг бошларида Оқсарой харобалари остидан топилган япалоқ кошинда олтин суви юритилган оппоқ пахта тасвири бор экан. Яна битта рамз.

Узилган хаёл ипларини ахир улайман. Оқсарой Оққушга ўхшайди. Қанотлари сингган Оққушга. Йўқ, дейман. Бугун унинг қанотлари бутун. Энди шаҳри Кешнинг ўзи улкан Оққушдир. Бу Оққуш истиқлол туфайли кўз қарогидан қалбларга кўчаётган руҳ. Миллат руҳи. Унинг бундан-да юксак, бундан-да жозибали парвозини кўролсак, не тонг. Илло, қанотларинг қайрилмасин, Оққушим...

■ **Юнус УЗОҚОВ,**
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

НАВРЎЗ ОҒУШИДА

Андижон шаҳрининг марказидаги Алишер Навоий номли боғ Наврўзга ўзгача безанди. Ҳар қадамда гуллар унди. Чорловчининг ёқимли сўзлари карнай-сурнай садоларига уланди.

Боғдаги замонавий Амфитеатрда Наврўз қўшиқлари таралди. «Баҳор вальси» янгради.

Наврўз даврасига Баҳорой билан Наврўзбек қўшилди. Ўзбекистон халқ артистлари Ёқуб Аҳмедов, Муҳаммадали Абдуқундузов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Раъно Ярашевалар Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Нодирабегим сиймоларида чиқиб, ғазал ўқиганида Наврўзнинг қадри беқиёслиги намоён бўлди. Наврўз кунида Андижоннинг шаҳару қишлоқларида, хонадону маҳаллаларида дошқозонларда сумалаклар қайнади. Кексаларга иззат-икром кўрсатилди.

■ **Аҳмадулло СОЛИЕВ**

***

Навбаҳорликлар ўзларининг анъанавий Ҳосил байрамларини ўтказишди. Умумхалқ байрами — Наврўз нафасига уйғун тарзда ўтказилган сайил кеч шомга қадар давом этди.

— Ўтган йилни муносиб меҳнат туҳфалари билан якунладик, — деди Ҳосил ва Наврўз байрамига бағишланган йиғилишда туман ҳокими Ғулом Облоқулов. — Сув тақчил бўлса-да, туманимиз пахтакорлари-ю ғаллакорлари ўз олдиларига қўйган вазифаларини уддалашди. Санъаткорларнинг чиқишлари мароқли бўлди. Спорт мусобақалари, қўчқор, хўроз уриштиришлар, миллий кураш, таомлар кўрик-танловлари байрамга файз киритди.

■ **Музаффар ШАРОПОВ**

ТАҚДИМОТ

«МЕНИ КУТАЁТИР АЖИБ КЕЛАЖАК»

Шеъриятнинг олис йўллари узра кимлар қадам ташлаб ўтмаган. Қисмат бошида кимлар лолу ҳайрон турмаган. Шоирлик жасорат. Адабиёт қудратли сўзлар майдони. Шеър муқаддас кенглик осмонида чақнаган чақмоқ. Шеър она Ер узра бош қўяётган ёмғир. Покизалик. Беғуборлик. Қалб қирғоқларига урилган ойдинлик. Шоирлик эса ўзликни таниш. Ўзликни англаш! Тафаккур тилсимларини, туғёнларини теран англаш. Сўз сеҳри, шеър меҳрини қалбга жо айлаш.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида шоир ва шеърнинг ҳақиқий байрами бўлиб ўтди. Бу ерга йиғилган зиёлилар эътиборига «Абдулла Орипов» номли ҳужжатли фильм ҳавола этилди. Ўзининг мумтоз асарлари билан ўзбек адабиёти, шеъриятининг улкан дарғасига айланган Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов босиб ўтган мазмунли ва машаққатли йўл авлодлар учун ўрнак бўлади. Унинг бир учқуни эса ҳужжатли кинога кўчиб ўтди.

Ўзимни мозийнинг бағрига урдим,
Ва шу он шукрона айтиб қайтдим мен.
Кимдир кўрмай кетган бахтни мен кўрдим,
Кимдир айтмай кетган сўзни айтдим мен.
Мени кутаётир ажиб келажак,
У менинг иқболим, менинг бахтимдир.
Мен кўрмаган бахтни кимдир кўражак,
Мен айтмаган сўзни айтажак кимдир.

Ушбу ўлмас сатрлар ила бошланади фильм. Шоир туғилиб ўсган қишлоқ манзараларига ўтади. Экранда Қашқадарё кенгликлари гавдаланади. Баҳор ҳақидаги шеър янграйди. Баҳорнинг бетакрор асари бўлмиш табиатдаги уйғонишлар ифода этилади. Ялангтўш ўзбек, оддий қишлоқ одамлари, сизга олисларда қолиб кетган ўз гўшангизни ундаги лафзи ҳалол, танти деҳқонларни эслатади.

Мадҳия янграйди. Экранда ўзбекнинг ҳур болалари баланд овозларда Ватан мадҳиясини куйлайдилар. Ушбу шоҳ асар ижодкорлари улкан бастакор Мутал Бурҳонов ва Абдулла Ориповларнинг шеър ва мусиқани яратиш жараёнидаги мулоқотлари ифода этилади.

Фильмда замонанинг улкан олими, профессор Озод Шарофиддинов олтмишинчи йилларда «Шарқ юлдузи» журналида Абдулла Ориповнинг дастлабки учта шеърига оқ йўл тилаганлигини айтиб ўтади.

Шоирнинг ўзи ўқиган мактабда муаллимлари, синфдошлари билан мулоқотлари ифода этилади.

Оила аъзолари, ака-укалар, опа-сингиллар, фарзандлар, шоирга ҳаёт йўлларида ҳамроҳ бўлган умр йўлдоши, булар шоир қисматининг ҳақиқий гувоҳлари, умр йўлларида елкадош бўлганлар. Уларга Абдулла Ориповнинг ҳар бир сатри, асари, ютуғи қадрли ва қимматлидир.

Фильмга шоирнинг ўзи ўқиган шеърлар алоҳида мазмун бахш этган.

Мустақиллик шоир ижодини, шахсини янада юксалтирди. Абдулла Орипов юрт ардоғидаги улкан жамоат арбоби, ҳассос шоир даражасига етди. Айниқса, шоирнинг 60 йиллик юбилейи кунларида Президент қабулида бўлиши, унга юксак эътиборлар ва ҳурмат кўрсатилиши мамлакатимиз халқини, зиёлиларини тўлқинлантириб юборди. Ушбу тарихий лаҳзалар фильмга кўчиб ўтган.

Йиғилганлар, таниқли шоирлар, олимлар, журналистлар, ёшлар — барча-барчаси фильмдан олган таассуротларини ўртоқлашдилар.

«Абдулла Орипов» ҳужжатли фильми бу йўлда қўйилган дастлабки қадамдир. Бизнинг назаримизда, улкан шоиримиз ҳақида, унинг мустабид тузум йилларидаги машаққатли ҳаёти, жасорати, матонати ҳақида ҳали кўплаб фильмлар олинса арзийди.

Фильмнинг сценарий муаллифи Шойим Бўтаев, асарни кинорежиссёр Саидботир Аҳмадхўжаев суратга олган. Биз ҳар иккала ижодкорни улкан меҳнат, катта ютуқ билан қутлаймиз.

■ **Фаррух ҲАМРОЕВ**

ХАЛҚАРО ШАРОФ РАШИДОВ ХАЙРИЯ ФОНДИ

Ўзбекистон халқини навбаҳор, умумхалқ байрами — Наврўзи олам билан самимий табриклайди!

Барчага мустаҳкам соғлиқ, узоқ-умр, республикадаги ҳамма оилаларга ҳамжиҳатлик, хотиржамлик, мустақил давлатимизни мустаҳкамлаш, халқимиз фаровонлиги йўлида амалга ошираётган меҳнатларига улкан зафарлар ва дастурхонларига файзу барака тилайди.

Халқаро Шароф Рашидов хайрия фондининг Марказий Кенгаши ҳайъати

МУҲТАРАМ ЮРТДОШЛАР!

Ўзбекистоннинг энг йирик ва универсал банкларидан бири

BANK XALQ BANKI

ХАЛҚ БАНКИ

барчангизни Наврўз айёми билан муборакбод этади ва янги «НАВРЎЗ СОВҒАСИ» — қисқа муддатли, ютуқли омонат турини

ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Омонатга пул маблағлари 40 кун муддатга қабул қилиниб, уларга йиллик 50 (эллик) фоиз миқдорида даромад тўланади.
Сиз омонатингизга ҳисобланган юқори фоизли даромадларни олиш билан бир қаторда,

5 МИНГ СЎМДАН 500 000 СЎМГАЧА

бўлган ютуқ совриндорларидан бири бўлиш имкониятига эгасиз.
«Наврўз совғаси» омонатига пул маблағлари 2002 йилнинг 1 апрелига қадар Халқ банкининг барча бўлимлари ва шаҳобчалари орқали қабул қилинади.
Ютуқ эгалари шу йил апрель ойининг иккинчи ўн кунлигида аниқланади.

НАВРЎЗ ТУҲФАСИДАН СИЗ ҲАМ БАҲРАМАНД БЎЛИНГ!

ХАЛҚ БАНКИ — аҳоли омонатларининг сақланиши давлат томонидан кафолатланган

ЯГОНА БАНКДИР!

ОМОНАТИНГИЗНИ ИШОНЧЛИ БАНКДА САҚЛАНГ ВА КЎПАЙТИРИНГ!

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

МАРҲАБО НАВРЎЗ!

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

«ЎЗДЭУАВТО» КОМПАНИЯСИ

Сизларни баҳор байрами — НАВРЎЗИ ОЛАМ билан табриклайди ва 5 та ютуқли автомобиль ўйинида иштирок этишга таклиф этади.
Сизларнинг ҳар бирингиз компаниямизнинг ажойиб совғаси — автомобиль соҳиби бўлишингиз мумкин.
Ўйинда иштирок этинг ва омад Сизга ёр бўлсин!
Компаниянинг расмий дилерлари Сизларни кутмоқда!

ЎЙИН ШАРТЛАРИ:

- ўйинда 2002 йил 7 мартдан бошлаб сотилган дастлабки 2500 автомобиль иштирок этади;
- автомобиллар компаниянинг расмий дилерлик корхоналари автосалонларидан сотиб олинган бўлиши шарт;
- ютуқ соҳиблари сотилган автомобилларнинг кузов рақамлари бўйича ўтказилган лотерея ўйини натижасига кўра аниқланадилар;
- ютуқ соҳибига ўзи сотиб олган автомобиль русумидаги автомобиль совға қилинади.

Матбуотдан хабардор бўлиб туринг:

автомобиль сотиб олган ҳар бир шахс ютуқ эгаси бўлувчи номзодлар рўйхатига киритилади. Телевиденияда ўйин ўтказилишидан аввал иштирокчиларнинг исми ва фамилиялари «Халқ сўзи», «Народное слово», «Правда Востока», «Ўзбекистон овози», ва «Қишлоқ ҳаёти» газеталарида чоп этилади!

МАЪЛУМОТ УЧУН КОМПАНИЯНИНГ ТОШКЕНТДАГИ ВАКОЛАТХОНАСИ ТЕЛЕФОНЛАРИ: 67-97-74, 67-33-65

«АЛП ЖАМОЛ БАНК»

хусусий очиқ акциядорлик-тижорат банки

ўз акциядорларига 2002 йил 22 апрель — душанба куни соат 10⁰⁰ да Тошкент шаҳри, М.К.Отатурк кўчаси, 21-уйда банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилишини маълум қилади.

УМУМИЙ ЙИҒИЛИШ КУН ТАРТИБИ:

1. Кенгаш раисининг 2001 йилдаги банк фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи.
2. Тафтиш комиссияси раисининг 2001 йилдаги банк молия-хўжалик фаолиятини текшириши натижалари тўғрисидаги ҳисоботи.
3. 2001 йил 1 январь ҳолатига балансини тасдиқлаш тўғрисида.
4. 2001 йилдаги банк йиллик соф фойдасини тақсимлаш тўғрисида.
5. Банкнинг 2002 йилга тузилган бизнес-режасини ҳамда бошқа ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш тўғрисида.
6. Тафтиш комиссияси аъзоларини қайтадан сайлаш тўғрисида.

Акциядорлар юқорида қайд этилган манзилда соат 9⁰⁰ дан 9 ³⁰ гача рўйхатга олинадилар.

Маълумот учун телефонлар: 132-16-00, 132-10-59.

ХОАТБ «Алп Жамол Банк» Кенгаши

«ЭСКИ ЖЎВА УНИВЕРСАЛ БОЗОРИ»

очиқ акциядорлик жамиятининг бошқаруви

шуни маълум қиладики, жамият акциядорларининг навбатдаги умумий йиллик йиғилиши қарорига мувофиқ, жамиятнинг 2001 йил 2-ярим йиллик молиявий-хўжалик фаолияти натижалари бўйича дивидендлар номинал қийматига нисбатан 31,9 фоиз тўланади.

Акциядорлар 2002 йил 22 апрелдан бошлаб қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:
Шайхонтоҳур тумани, Бозор майдони, 28-уй.

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Baxtiyor HAMIDOV (Mas'ul kotib)
Rahima HAKIMOVA
Tolepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV
Mahkamboy O'MAR o'g'li

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BOLIMLAR:

Siyosat va huquq —	133-44-55
Iqtisodiyot —	133-76-04
Ma'naviyat —	133-07-20
Xatlar va ommaviy ishlar —	133-12-56,
Axborot —	136-55-16
Kotibiyat —	133-72-83
Reklama va e'lonlar —	133-38-55, 133-47-80
Faks —	133-73-43, 133-06-83

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda —	25-16-16
Buxoroda —	222-10-92
Gulistonda —	25-03-80
Jizzaxda —	5-49-85
Navoiyda —	3-39-20
Namanganda —	6-43-43
Nukusda —	222-70-12
Samarqandda —	35-20-54
Toshkentda —	136-53-16
Urganchda —	226-51-35
Farg'onada —	26-43-62
Qarshida —	4-61-35
Termizda —	3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Ilhom KAROMOV

Gazeta «Ozbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A—2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini kochirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 3102

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 22.00

1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA